

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 280 (6. 171)

1986 йил 8 декабрь, душанба

Баҳоси 3 тийин



ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТ-БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

Давлат қабули: сифат кафолати

СЎНГГИ ИМКОНИЯТ

Асфальт йўллар ишлаб чиқариш корхоналари томонидан шундай кўп бир-бирга уланган кетганда, охири кўринмайди. Уларнинг дастлабки 1941 йилда ишга туширилган эди. Кейин ушунга янгилари қўшилди. Ушунга кезларда монтаж қилинган станоклар ҳам ишлайпти. Лекин улар энди янги талабларга жавоб бериш қўлган. Ташкилоти енгил, геометрия аниқлиги йўқолган. Шу босқичдан давлат қабулига тақдим этилган йигирма-тўқуз станоклари ва лент таёрловчи машиналарнинг бири қисми яна цехларга қайтиб келди. Уларнинг айрим қисмларини кўздан кечириб, кемтик жойларини тузатишга тўғри келаяпти.

— Маълум муддат ўтиши билан станокларнинг янгиланишига ишончимиз қонди, — сўзбўлаб қўйди фрезерчи Николай Жигачев. — Янгилари келгунча эса аскаларини қайта соғал, геометрия аниқлигини тиклашга, ёилган қисмларини алмаштиришга ҳаракат қилишимиз. Лекин бу ишга жуда ҳам кечиктиришди. Заводимизда дав-

лат қабули янги йилдан тўла жорий этилиши керак. Бунга олдинда кўп ҳозирлик кўриб, тайёрлаётган маҳсулотларнинг ҳеч бўлмаганда ярмини давлат қабулига мослаб чиқаришга ўрганишимиз керак эди. Ўтган даврда дурроқ ташкилди ишлар қилинмади. Бой берилган имкониятлар ўзининг декабрь ойида тўлдирилгани керак. Бу — сўнгги имконият.

Дарҳақиқат, шахримиздаги бир қатор корхоналар қайи «Ташкестильмаш» заводида ҳам янги йилдан бошлаб маҳсулотларнинг давлат қабули усули жорий этилади. СССР енгил, озиқ-овқат ва рўзгор асбоблари саноати машина-созлиги министрининг июнь ойида чиқарган буйруғида бу соҳадаги вазифалар аниқ ва равшан қўйилган эди. Янги йилгача ишлаб чиқаришнинг давлат қабулига мослаб қайта қуриш вазифаси корхона раҳбарлари зиммасига юклатилди. Лекин улар буйруқнинг ўрниги ойқунларига салкам уч ой вақт ўтди. Кейин завод бўйича янги буйруқ чиқди ва уни амалга ошириш бўйича дастлабки тадбирлар белгиланди.

Шундан кейин яна сукунат бошланди. Ваҳоланки, завод бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 30 процентини октябрь ойида, 50 процентини ноябрь ойида, 80—90 процентини эса декабрь ойида давлат қабулига тақдим этиш лозим эди. Тайёргарлик ишлари ниҳоятда суи бортанлиги учун ҳам бу вазифалар бажарилмай қолаётди. Октябрда ҳам,

ноябрда ҳам бирорта станок давлат қабули хизмати талабларига жавоб берибди. Уларни қўшимча вақт ва ишчи кучи сарфлаб қайта соғалга, кемтик жойларини тузатишга тўғри келди.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашида республика саноати давлат қабули шартинида ишлашга қандай тайёргарлик кўраётганини аниқлаш мақсадида қилинди, — дейди заводдаги давлат қабули хизмати раҳбари А. Н. Пивкин. — Ушундан давлат қабулига суи тайёргарлик кўраётган корхоналар қаторида бизнинг завод ҳам тилга олинди. Мен шу корхонада 21 йилдан бери бош метеоролог бўлиб ишлаб келаётган эдим. Кенгаши минбаридан айтилган қатъий гаплар менга қаттиқ таъсир қилди. Катта даражада бунақа кескин гаплар эшитмаган эдим. Лекин ҳамма эътирозлар ўрилди. Завод раҳбарлари давлат қабулига тайёргарлик ишларини асосан равишда қўзиб келишди. Мава энди ҳамма шовиш қолаётди. Шовишганда эса сифат оқсайди.

Заводда давлат қабули хизмати аппарати ходимлари 15 кишидан иборат қилиб белгиланган. Ҳозирча 11 ходим тайил олди. Уларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришда катта тажриба тўлаган олий маълумотли мутахассислардир. Давлат қабули ходимлари ҳозир цехларда назорат ишларини бошлаб ўйрошган. Лекин уларнинг уқумли меҳнат қилишлари

учун ҳалигача зарур шартлар яратиб берилмаган. Иш давомида тузилган муаммоларни йиғилишиб муҳокама қилинган алоҳида жой ҳам йўқ.

Ташкилий даврда мава шундай қийинчиликларнинг бўлиши табиий, — завод партия комитети секретари Р. Нодиров давлат қабули хизмати раҳбарини юпатмоқчи бўлди. — Сиз учун маъмурий бинодан телефон йўқ бўлсада, битта хона акратиб бердик. Энди цехларда ишлаётган ходимларнинг ҳам шундай жой топиб беришимиз. Фақат бизга мўддат беринг. Ички ишчиликларини ҳисоблаб чиқайлик.

Давлат қабулига ўтиш жараёнида шунга ўхшаш қўлгина муаммолар кўзда тутилган бўлапти. Уларни ҳал этишга эртароқ киришиш керак эди. Лекин бундай бўлмади. Вақт кетиб ҳамма юмушлар йиғилиб қолганда кейин корхона раҳбарлари ишчи нимадан бошлашни билмай ҳайрон бўлишди. Турли хил баҳоналар қидиришди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўринли эмас. Одамларни янгица шартинида ишлашга олдиндан тайёрлаб бориш, улар онини қайта қуриш зарур эди. Шунда ишга муносабат ўзгарди, янгиликни жорий этишда қийинчиликлар бўлмас эди.

«Ташкестильмаш» иттифоқимиздаги тўқимачилик, пахта тозалаш, озиқ-овқат корхоналари учун замонавий машиналар етказиб беришчи йирик заводлардан бири ҳисобланади. Завод белгиси

туширилган станоклар ва машиналар 33 та чет эл мамлакатига ҳам юборилапти. Минкозлар ранжимасини учун маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Бу вазифани ҳал этишда давлат қабули усули катта ёрдам бериши табиийдир.

Тўғри, корхонада давлат қабулини жорий этишга, маҳсулотларнинг жаҳон стандарти даражасида бўлишга ёрдам берувчи бир қатор тадбирлар қўйилди. Жумладан, маҳсулотларни техника контроли бўлими кўригидан сўнг давлат қабулига тақдим этиш тажриба қилиб қўйилди. Янги цехларда 44 та рақамли бошқарув станоклари ўрнатилди. Маҳсулот сифатини назорат қилувчи депутатлик постлари тузилди. Малака ошириш курслари ташкил этилди. Ҳозирги оғзаки сиёсий агитация кадрлари давлат қабулининг афзалликлари, янгица шартинида ҳақ тўлашнинг формалари ҳақида ишчилар ўртасида катта тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Аммо булар ҳали етарли эмас. Одамлар онинида чуқур ўзгаришлар содир бўлмапти, ишга янгица муносабат сезилмапти. Шу босқичда ҳам тақдим этилаётган қўлгина маҳсулотлар давлат қабули талабларига жавоб берилапти. Корхонада олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишлар пировард натижага самарали таъсир ўтказиши керак.

Ж. НОСИРОВ,

Замондошимиз



Изланувчан конструктор

Алла Осиповская билан сўхбатимиз жуда жўн бошланди. Лабораториядаги янги буюм намунасини кўрсатиб деди:

— Буниси янги нуска. Ҳали цехда тикилиб, харидорларнинг қўлига етиб боргунча анча вақт керак. Умуман корхонамизнинг фаолияти ҳақида ёдгорлик буюмлари билан савдо қилувчи магазинларда яққол тасаввур ҳосил қилишнинг имконияти. Бу ердаги бежирим ва замонавий буюмларнинг ҳаммаси бизнинг қўлимиз билан яратилади. Бу қалбимизга ҳузур бағишлайди. Уш қилган ишларимиз билан фазрланамиз.

— Сизнинг вазифангиз анча мураккаб. Буюмларнинг янги хилларини тайёрлашнинг керак. Бунда асосан нимага амал қиласиз?

— Менга қолса ёдгорлик буюмларини тарқатишнинг кўзгиси деб атаган бўлардим. Гапнинг моҳияти шундаки, буюмларда давр руҳи, техника даражаси яққол кўзга кўриниб туради. Уларни чет эллик кишилар сотиб олишди. Демак ёдгорлик буюмлари халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамловчи восита ҳамдир. Шундай экан бу буюмларда энг аввало миллий руҳ, маданият сезилиб туриши керак. Янгилик яратётганимизда энг аввало ана шуларга амал қиламиз.

Алла Осиповскаянинг фазр билан сўзлабта-

нинг маъноси бор. Бу рассом-конструктор ёш бўлишга қарамасдан коллективнинг шухрати, ни оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Уш яратган янги буюмларнинг намуналарини тикишда ишчиларга бевосита ёрдам беради. Янги гоёни буюмда ифодаланишида бевосита иштирок этади. Шунинг учун бадий буюмлар фабрикасида меҳнат қилаётганлар уни ҳурмат билан изланувчан конструктор деб аташади.

Фабрикада тайёрланаётган буюмларнинг хиллари тобора кўпайиб бормоқда. Конструкторнинг ўзи айтганидек, уларни яратилишида унутилган миллий каштачилик аъёнеларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Чопон ва якталарнинг замонавий нусхалари тайёрланганда фақат фабрика ишчиларига эмас, харидорлар ҳам ҳушуд бўлишди. Улар бу буюмларни иштинк билан сотиб олишди. Бинобарин, фабрика коллективни давр руҳи билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Алла Осиповская унинг ташаббускор аъзоси сифатида ижодкорлик ишларини янада такомиллаштириш йўлидан борапти.

СУРАТДА: катта рассом-конструктор Алла Осиповская.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Янги кўргазма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат халқ кутубхонасида очилган «Дин ва ҳозирги замон» адабиётлар кўргазмаси экспонатларга бойлиги билан китобхоналар диққатини жалб этади.

Атестик адабиётлардан иборат бўлган бу кўргазма беш бўлимдан иборат бўлиб,

унда динларнинг келиб чиқиши, унинг инсоният тараққиётида тўғаноқ куч бўлганлигини аниқ эттирувчи китоблар намойишга қўйилган.

Кўргазмада пролетариатнинг буюк ҳодийлари Маркс, Энгельс, Лениннинг фалсафий асарлари ўрин олган. Бу қимматли асарларда дин-

нинг зарарли оқибатлари фоти этилган. Бундан ташқари диний иллатларни фоти этишга бағишланган жуда кўп фалсафий, бадий адабиётлар намойишга қўйилган.

О. ҲУСАНОВА,




ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

Тошкентда Скопье ҳафталиги қатнашчилари Кирилл ва Мефодий номидаги университет билан дўстлик алоқаларини олиб бораётган Тошкент Давлат университети билан танишдилар. Олий ўқув юрти проректори В. И. Троицкий меҳмонларга Ленин декрети билан ташкил этилган бу билим ўқорининг тарихи ва унинг ўрта Осиё республикалари учун тутган аҳамияти ҳақида гапириб берди. Бу даргоҳда чет эллик студентлар ҳам таълим олмоқда. Ҳозирда университет студентларининг умумий сони 20 минг атрофида, профессор, ўқитувчилар сони 800 кишидан иборат, 15 та факультет ишлаб турибди. Ҳар йили бу олий ўқув юрти 4 минг мутахассис битириб чиқмоқда. Меҳмонлар ўқув корпуслари, кутубхона билан танишдилар, студентлар билан сўхбатлашдилар.

Университет маданият саройида Халқаро тинчлик йилига бағишлаб урушга қарши митинг бўлиб ўтди. Митингга сўзга чиққан барча нотидлар — делегация раҳбари Димитар Шешов, университет профессори, фалсафа кафедраси мудири, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси А. Ф. Аюпов, КПСС XXVII съезди делегати, «Миконд» заводи тоқари Э. Ежубхужаев, Қаҳрамон она М. Ойтураева, ҳиндистонлик студент Гитэ Кришан КПСС ва совет халқининг тинчлик сўбаси, тинчлик учун олиб борилаётган кураш тўғрисида гапирдилар. Митинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияда тинчликка даъват этилади, Митинг қатнашчилари «Барқарор Тинчлик бўлсин!», «Урушга йўл йўқ!» дея хитоб қилдилар ва «Демократик ёшлар гимни»ни куйладилар.

ДЎСТЛИГИМИЗ



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Скопье шаҳар мажлиси раисининг ўринбосари Димитар Шешов бошчилигидаги делегация аъзолари бир ҳафта мобайнида Ўзбекистон пойтахти ҳаёти билан танишдилар, корхоналар ва муассасаларнинг меҳмони бўлиб, республика бош кўргазмасини бориб кўрдилар.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жаҳияти. Бу ерда бўлиб ўтган учрашув чинакам байрамга айланди. Меҳмонлар ва меҳонлар дўстлик ва тинчлик, ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирдилар.

Миннатдорчилик сўзларимизни изҳор этиш учун сўз топиш қийин, — дейди делегация бошлиғи Димитар Шешов. — Дўстлик ва тинчлик ҳақида қўлгина яхши сўзлар айтилди. Тошкент Шарқдаги дўстлик шаҳри, Скопье халқаро бирдамлик, қаҳрамон шаҳар. Совет

Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг халқи тинчлик иштини мустаҳкамлашда катта куч-гайрат сарфлаганлигини гош мамнулимиз.

Югославия ҳам тинчлик байроқдор, ер курашида тинчликни мустаҳкамлаш учун интилаётган ҳукуматимизнинг сўбасини қўллаб қувватлаймиз. ЮСФР ва СССР ўртасида давлатлараро шартномалар доирасида алоқаларимиз кенгайиб бормоқда, Македония Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон ССР ҳамда Скопье ва Тошкент ўртасида яқинсодий ҳамкорликни кенгайитиш ва мустаҳкамлаш учун барча имкониятларимиз бор.

Партия, касабасоюз, шаҳар Советларининг делегацияларини айирбошлаш, дўстлик кунлари ва ҳафталикларини ўтказиш бунинг ёрқин мисолидир. Биз Тошкентдан жўнаб кетар эканмиз «Скопьеда учрашгунча хайр», деймиз.

АБАДИЙ



СУРАТЛАРДА: Тошкентда ўтган Скопье ҳафталигидан лавҳалар.

Бизнинг интервью

И жодий алоқалар

Кресте АНЖЕЛОВСКИ,

профессор, педагогика фанлари доктори, «Просветно дело» нашриётининг директори.

— Тошкентдаги «Ўқитувчи» нашриётинидаги ҳамкасбларим ҳузурда бўлиб, уларнинг нашр этаётган адабиётлари билан танишдим. Олий ўқув юртилари студентлари, билим юрлари ва мактаб-

лар ўқувчилари учун қўллаб қаршилар ва бадий адабиётлар ўринли чиқарилмоқда. Биз келгусида македон — ўзбек ва ўзбек — македон дугатларини нашр этиш ҳақида гаплашдик. Тошкентда намойиш қилинган 600 ном-

дан иборат Македония китоблари кўргазмаси Тошкент Давлат университетига совға этиб топширилди. Келгусида китоб айирбошлаш борасидаги алоқа давом этади.

Тошкент манзур бўлди

Дача ЧЕВРЕВСКИ, «Вардар — фильм» студияси киноактёри.

Янги даврда македонларнинг тақдири ҳақида қийоқ қилади. Картина қўлгина халқаро кинофестивалларда кўрсатилди. Яқиндагина «1949» янги йилининг «Билан» картинасини суратта олиб бўлдик. Бу фильмни Лос — Анжелесга олиб бориш

ниятим бор. Бундан ташқари Тошкент университети билан дўстлашган Кирилл ва Мефодий номидаги университетда кино санъати бўйича ўқитувчилни қилишим.

Фойдали фикр алмашув

Тошкент олий партия мактабига партия, совет ва идеология ходимлари малакасини ошириш областлараро кустис тингловчилари — Ўзбекистон шаҳар ва район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлими мудирининг матбуот ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда қайта қуришни активлаштириш, КПСС XXVII съезди қарорларини бажа-

риш бўйича омвий ахборот воситалари вазифалари муҳокама қилинди. Учрашувда област, шаҳар ва район газеталарининг редакторлари, Тошкент област партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари С. П. Сергиенко, матбуот, радио ва телевидение секторининг мудири Э. М. Эрнатаров иштирок этилди.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

8—14 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига қараганда, шу ҳафта бошларида республиканинг аксарият районларида ҳарорат кечаси 3 даража соқудан 2 даража иссиқлик, кундузи 8—11 даража иссиқ бўлиши кутулади.

Ҳафтанинг ўрталарида Ўрта Осиёга Иттифоқимизнинг Европа территориясида вуқудга келаятган совуқ ҳаво оқими кириб кела бошлайди. Натижада Тошкентда ҳаво совуши, кечаси 3—8 даража совуқ, кундузи 0—5 даража иссиқ бўлади.

Ҳафта охирига бориб ҳаво ҳароратининг кўтарилиши эҳтимоли бор. Ҳафтанинг биринчи яримда ва ҳафта охирида ёғингарчилик бўлиши мумкин. Айрим кунларда туман тушади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати нормадан бироз пастроқ бўлиши кутулади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медицина об-ҳаво маълумотлари ва метеоропрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра ҳафта ўрталарида об-ҳаво фронтал фаолиятининг кўпайиши билан белгиланади. Бу ҳаво тарқибиде килоронинг кўпайишига, атмосфера босимининг кўтарилишига олиб келиши мумкин. Об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларга бу маълум даражада таъсир этади. Юрак-қон томир, миё хасталиклари бўлган беморларнинг кайфияти ёмонлашиши, бўгин хасталиклари бўлган беморларда оғриқ пайдо бўлиши, кайфият ёмонлашиши мумкин.

Профилактика мақсадида беморларга ҳафтанинг ана шу даврда асабийлашмаслик, даволовчи врач тавсияларини оғиймай бажариш, кун тартибига риоя қилиш тақлиф этилади.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1987 йил 4 январь якшанба дам олиш кунини 2

январь жума кунига ўтказишга қарор қилди.

БИЛДИРИШ

Ўш тўқизинчи қаҳир халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўқизинчи сессияси 1986 йил 13 декабрда соат 11.00 да област партия комитетининг катта залига (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй) очилишини маълум қилди.

Депутатлар ўша ерининг ўзига соат 10.00 да рўйхатга олинди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ХЕЛЬСИНКИ. Куролланиш поёғисини тўхтатиш, ядро синовларини бетамом таққиш, космосда курол жолаштиришда йўл қўямаслиқ, 2000 йилгача куролсизланиш тўғрисидаги Совет программасини қўйлаб-қувватлаш — бу ердаги «Глифка»даги сарбдор

анинг оммаи намоини
либ ўтди. Бу намоини
минг киши қатнашиб, қ
эгалари билан янги
шартномаи тузилишини
қилди. Бугун пойтахт би
лари кураш кунини ўтқ
далар, улар тўрт соатл
бастовка эълон қилди.
ХАРАПЕ. Йоханнесбу
африкаликлар яшайдиг
та шаҳри Сузоу атрофи
мойишчиларнинг поли

шамла туқашувлари руя
Жазо отрядлари тинч на
қатъиҳисобларига қарши
ёш оқизадинга газ ва
ларни ишга содланар.
мат информация бюрос
хабарларига кўра, Со
бир полициячи ўлди
бир неча киши ярадор
ган. Икчи мазмунлар
ларни кўпал қамало
Оранжеева вилотини
ни шариқдаги темир ю
циясида икки марта ю
портлаш натижасида
биносига катта зён етк
Полиция диверсия саб
ни текширмоқда.

күрө, ирччи маъмурлар
несбург ва Кейптаунда
бий мажбуриятдан
ташга даъват этүчү
тешкилотнинг өз тан
ларидан үндөн ортык
камдоқ олганлар. Шу
көтөнчанинч малакка
танли граждандарни
ликларга көршө жазо
ларда ҳамда күнни
көл малакетларга көр
рессияларда көтөнчө
мига бормасликка да
модделер.

БАЙРУТ, Ливан пат
Тель-Авив шыл этган

металл меҳнатиди ҳақиқатдори шахар билан афсусларга сояланган олинган. Иккинчи бонуснинг портрет мажмаъларини танлар битта бронетранспортерни, анчагина ўқ урушлари ва ўқ-дорилардан олганлар.

на музейнинг шухрати узоқ музёнда жуда ноёқ археологик қўйилган. Қўшлаб қадимий ёлларнинг меҳнат ва турмуш қўлашшири буюрчиқлар бу ноёқ қўлаш томоша қилишди. Музёнда жойлашган музей биносини

В. Байдаш

П ЛЕНТАСИДАН

на бўлиши мумкин, Кейнинг вақтда Вапнинг олий мартабали лари «сандиочилар с Гондурас территорияс тириб кирди» деган билан янвотарлик н қилмоқдалар, дег га. Бундай янвотарлик ружлари ҳеч қандай эга эмас. Ҳатто гонд маъмурлар бундай д қилишга журъат эл лар. Никарагуа

Рейган маъмуриятида, диночилар халқ репрессини бугун ташлашга тилган ҳарбий, сийосий, иқтисодий агрессияни олдиришга чек қўйиб қолди.

ОТТАВА. Квебек ҳукумати муассасалар судлари хизматчилари мингта қичи киши чек қўни бир қунык заълон қилди. Вилоят тизини янги коллектив ш тувиш тўғрисида млар оқди боришдан боламоқда. Илгарги шнинг амал қилиш бундан бир йил илган эди. Юристарлар, чилар, бухгалтерлар, монлар, кутубхона лари ва бошқа хизмнинг иш ташлаши ш бошқа кўпгина ҳуку асасалари ишини қўйди. Квебек жам торининг жами 300 мчи ва хизматчиси иш оириллиши ва янги тив шартнома тузилиб қил қидмоқда.

ОТТАВА. Квебек хукумат муассасалар судлари хизматчилари мингга яқин киши ч

кунин оир кунлик за
эмлон қилди. Вилот
ти янги коллектив ш
Зиш
лар олиб боришдан ба
моқда. Илгариги ш
нинг амал қилиш
бундан бир йил илг
ган эди. Юристар,
чилар, бухгалтерлар,
монлар, кутубхона
лари ва бошқа хизм
нинг иш ташлаши ш
бошқа кўпгина хуку
асасалари шнинг
қўйди. Чабек жам
нинг жами 300 а
ч ва хизматчиси иш
оширилши ва янги
тив шартнома тузил
лаб қилмоқда.



Мусаффо йўл

Санчамиз тигъ ваъдабоз-у бевафоларга,
Амалдан маст-аласт, кайфи сафоларга.
Тилидан бол томиб, қалбин қурум босган
Ҳасадгўйлар, ғаразли муддаоларга,
Ўзидан ўзгани билмас, биқик, «ман-ман»
Кўпик янглиғ, мараз, руҳан дутоларга.
Лаганбардор, арақхўр, эгри қўл, нопок

Хушомадгўй, такаббур, беҳаёлларга.
Таъмағирлик қилиб ҳар яхши фурсатда,
«Ювиш»лардан ҳузур топган жоҳоларга.
Шу тахлит очамиз, Шоҳид, мусаффо йўл,
Ҳаётда оқибат ёрқин жилоларга.
Шоҳид ТОҲИРОВ,
меҳнат ветерани.

Шукх

Кўнглимни банд этиб ҳабиб чиройлар,
Қолдим йўлларингда сернаво, эй дил.
Менинг атрофимдан айланди ойлар,
Менинг юрагимдан ўтди неча йил.
Гўё хотиридан чиқарди дунё,
Гўё унутдилар азиз одамлар.
Мен-чи юксакларга қараб тобора
Ташладим, ташладим қадамлар.

Сенинг бир ораста ҳаёлларингни
Тарк этмоққа лекин етмади қурбим.
Сенинг бир ораста ҳаёлларингга
Шеър битдим, ўқидим, муҳожиб турдим...
Кўнглимни банд этиб ҳабиб чиройлар,
Сенинг ҳаёлигидан тирилди бу дил.
Менинг атрофимдан айланди ойлар,
Менинг юрагимдан ўтди неча йил.
Салим АШУРОВ.

Капалак

Ҳой капалак, капалак,
Мақонинг замин фалак.
Шоҳқалоқлаб учасан,

Тўйиб гулни қучасан.
Сабаби менга аён,
Ахир умр қисқада.

Ғафлатда қолсанг агар,
Ўтиб кетар бир зумда.
Абдусамид ЮНУСОВ.

Дарахтлар

Дарахтлар сўзламоқ
истайди,
Дарахтлар куйламоқ
истайди,
Қувончу, дардини
шитирлаб,
Инсонга, дунёга шийирлаб.
Юрга қувонч-ла уришни,
Кечалар тушида юришни.
Оппоқ, соф туйғуға
кутишни.

Баҳорни соғиниб
кутишни.
Инсонга сўзламоқ
истайди,
Дунёга куйламоқ
истайди,
Дарахтлар —
Бир бора гулламоқ
бахтини!
Муталлиб СОДИҚОВ.

Бастакор мухлислари даврасида

Республика маданият хо-
дидлари малакасини ошириш
институтига Ўзбекистон ССР
халқ артисти, таниқли баста-
кор Манас Лавиев ҳаёти ва
иждодиға бағишланган кеча
бўлди.
Оҳанрабо қўшиқлар ва
кўпгина музикали саҳна
асарларининг муаллифи рес-
публикамизда музика санъа-
тини ривожлантиришда му-
носиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кечада бастакорнинг мазмуни-
ли йил йўли ҳақида гапи-
рилди. Бундан ташқари Ўз-
бекистон ССР халқ артисти
Мухаббат Шамаева, Муқимий
номли музикали театр
артистлари, Ўзбекистон Ле-
нин комсомолы мукофоти лау-
реатлари Одина Ғозиева, Му-
ҳаммад Салимовлар баста-
кор қўшиқлари, саҳна-
асарларидан намуналар иж-
ро этилди.



ПАХТАКОРЛАР
Еш расмол Г. Лининг «Кўз» асари.
В. Дубровский фотоси.

БРЮЛЛОВГА БАҒИШЛАНДИ

...Эрамининг 98 йили ав-
густ ойида Италиянинг Пом-
пей шаҳрида кучли вулқон
отилди. Меъморилик асарлари
билан безанган шаҳар аҳо-
ли лавга қўрилиб, бир
кечада ҳалок бўлди. Орадан
кўп асрлар ўтди. Шаҳар
вайрониси Италия ва Россия
археолог олимлари томони-
дан текширилди. XIX ас-
рининг биринчи ярмида яша-
ган рус расмоллари Карл Брюл-
лов ана шу археология иш-
ларида қатнашган. Унинг яқин санъат мухлиснинг ниго-

мақсади Помпей фожеаси
ҳақида бадиий асар яратиш
эди. Рассом лавада гўё мў-
нелиб қўйилган қотиб
кетган одамлар танаси, мар-
мар ҳайкаллари ўрганди. У
эрамининг биринчи асрида
яшаган помпейликларнинг ўз
асарларига жонланганлиги
учун изланди. XIX асрда бў-
лажак асарига қаҳрамонлик
этиб эътибор, эскизлар яратиш
«Помпейнинг сўнгги кўни»
номли йиллик, тарихий полот-
носини вужудга келтирди.
Залда ўтирган икки юзга
ларида қатнашган. Унинг яқин санъат мухлиснинг ниго-

ҳи экранга тушиб турган ран-
гли тасвирда. Тингловчи кўп
бўлишига қарамай, зал со-
кин.
Ўзбекистон ССР Давлат
санъат музейининг лекция-
лар залида «Рус ва совет
таърифи санъати усталари»
туркумида дам олиш кўни
«Рассом Карл Брюллов»
мавузиди мазмуни сўхбат
бўлди. Сўхбатни Рус ва Ғар-
бий Европа санъати бўлими
илмий ходими, санъатшунос
Н. Обидова олиб борди. У
букур рус расмоллари К. Брюл-
лов ижоди ва ҳаёти ҳақида

санъат мухлисларига батаф-
сил ҳикоя қилиб, унинг ярат-
ган асарларидан намуналар
кўрсатди. Пойтахтимиз му-
зейида сақланган унинг
«Помпейнинг сўнгги кўни»
асарларини туркумига кири-
тиш «Суратга тушган одам»,
«Турк портрети»,
«Турк портрети» асарларининг
яратилиши ҳақида қизиқарли
маълумотлар берди.
М. АХМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат
санъат музейининг катта ил-
мий ходими.

Ҳар тўғрида

ЖОЗИБАДОР МУЗИКАЛАР

Композитор Ф. М. Янов-
Яновский ўзининг болалигида
боғишланган музикалар билан
ҳам танилган. Унинг мулти-
фильмлар учун ёзган асарла-
ри жозибадорлиги, оҳанглар-
га бойлиги билан ажралиб ту-
ради.

«Ўзбекфильм» студиясининг
мултифильмлар бirlашмасида
режиссёр Н. Тўлажоев бош-
чилигида суратга олинган
«Ёқили ёлғир ёғди» картини-
сининг муваффақият қозо-
нишида композитор басталаган
музика мўҳим роль ўйнади.
Мазкур мултифильм яқинда
1986 йилги Ўзбекистон Ле-
нин

комсомолы мукофотиға сазо-
вор бўлди.
Санъаткор Ф. Янов-Яновский
шундан сўнг «Хризантема
боғи» деб номланган мулти-
фильмга музика ёзди. Катта-
лар учун аталган бу лента то-
мошабинини оқийманлиққа,
хушрелик ва ростгўйликка даъ-
ват этади.

Келинг, бир кулишайлик

ХАНДАЛАР

Автоинспекторлар ўқдай
учиб келатган «Жигули»ни
тўхтатиб, ҳайдовчисига деди:
— Нега сиз йўл қондасини
бузиб машинангизни ҳаддан
ташқари тез ҳайдаб келая-
сиз?
Оғзидан гулпиллаб арақ ҳиди
анқиб турган ҳайдовчи арағ-
тига кириб жавоб қилди:
— Улфатларим зўрлашиб
арақ ичиришганди. Кайфим

ошиб, ақлимни йўқотиб қўй-
май туриб уйга тезроқ етиб
олайин, деган ниятда шош-
лётганим, узр.
— Шундайми? Ундай бўлса-
чи, оғайни, сиз уйингизга
эмас, тўппа-тўғри «хушроқ»
нага борасиз-да, ўша ерда
«меҳмон» бўлиб, йўқотган ақ-
лингизни дарров топиб ола-
сиз!

Судья гуноҳкордан сўради:
— Айтгинчи, сиз тунда нега
қўшингизнига бостириб
кирдигиниз?
Гуноҳкор жавоб бериб деди:
— Мастликда адашиб ўз
уйим, деб кириб қолганман.
— Ундай бўлса нега уй бе-
касиға қўшингиз тушган зах-
оти каравот остиға кириб яши-
риниб олдингиз?
— Ўз хотиним келпти, деб
қўриқиб кетганимдан шундай
қилгандим...
Тўловчи
Т. МАХМУДОВ.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ АНТОЛОГИЯСИ

«ШАҲРИМИЗ ГЎЗАЛДИР, БИЛСАНГИЗ...»

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1986 йил 16 октябрь

«Оқшом» газетасига бу ки-
тобни Скопениев Тошкент-
даги кунлари қатнашчилари
— Македониялик дўстлари-
миз туҳфа қилишди.
Тупламни Любо Сейи-
менски тузган ва таржима
қилган «Ўзбек шеърляти ан-
тологияси» китобида Навоий-
дан тортиб Фурқатгача бўл-
ган шоирлар, шунингдек Ға-
фур Ғулум, Ойбек, Ҳамид
Олимжон, Уйғун, Миртемир,
Зулфия, Эркин Воҳидов ва
Абдулла Орипов сингари
шоирларнинг ижодидан на-
муналар берилган.

«Македон китоблари»
нашриёти ушбу тўпламга Ўз-
бекистон ССР тарихи ва ма-
даниятига оид маълумотлар-
ни ҳам қўшиб чоп этди.
Шеърлят ҳам куй-қўшиқ
сингари масофа ва чегара
билмайди. «Антология»нинг
нашр этилиши Югославия
халқларининг республикамиз
тарихи ва маданиятига нис-
батан самимий дўстлик ва
хўрматининг ифодасидир.
Македон шоирларининг худ-
ди шундай антологияси Тош-
кентда ҳам нашр этилган.
В. ВИКТОРОВ.

Оқшомхоналар редакцияга юборётган хатларида гўзал
Тошкентимиз кўз ўнгимизда янада обод ва кўркем бўлиб
бораятганини, жуда кўплай турар жой бинолари билан
бир қаторда кўркем хибонлар, дам олиш зоналари бар-
по этилаётганини ёзиб, «Шаҳримиз гўзалдир, бил-
сангиз...» мақоласи юзасидан ўз фирм-муҳолақаларини
билдиришмоқда. Қўйида газетхонларнинг ана шу мавзуда-
ги хатларидан сатрларини эътиборларингизга ҳавола қи-
ламиз:

Мен Тошкентда туғилиб
ўсдим, улғайдим. Ўз она-
шаҳримни жуда-жуда яхши
кўраман. 1950 йиллардан
олдинги Тошкентни эслай-
ман. Айниқса эски вокзал,
Хадра, Чорсу, Бешёғоч, Пи-
ён бозорлар ўрнида бир-би-
рига ўхшамас кўркем бино-
лар, дам олиш зоналари
барпо этилганлигини кўриб
қувонаман.

Ҳозир бутун дунёга та-
ниқли, тинчлик, дўстлик,
биродарлик шаҳри деб ата-
ладиган республикамиз пой-
тахтида ҳар йили қанчадан-
қанча анжуманлар ўтказил-
моқда. Хорижий мамлакат-
лардан келган меҳмонларимиз
осмонлар, бир-бирига ўхша-
мас чиройли биноларни кў-
риш, меҳнаткаш халқимиз
ва қардошларимиз томони-
дан яратилган бу гўзалликка
ҳавас билан қарашмоқда.

Мен жуда кўп шаҳарлар-
да бўлганман. Нима учун-
дир республикамизнинг бош-
қа шаҳарларини ўзимнинг
жонажон Тошкентимга ҳеч
ҳам ўхшата олмаганман. Менга
қадрдон Тошкентим жуда
гўзал туюлади. Айниқса
сўнгги йилларда кундан-кунга
чирой очиб, гўзallaшиб бор-
моқда. Бугун кўрган кўча-
ғиз, хибонимиз бир оз вақт
ўтгани билан таниб бўлмас
даражада ўзгариб бормоқда.
Айниқса шаҳримизнинг юр-
ти ҳисобланган Ленин май-
донининг кўркемлик мени
ҳар кунни ана шу майдон ор-
қали сайр қилишга қўлай-
ди. Бўш вақтим бўлди дегун-
ча бу ердаги мейсозорлар
атрофида айланиб, фонтан-
лар ёнида ҳордиқ чиқара-
ман. Инсонга шаҳрини яхши
кўриб, ундаги ободончилик
ишларида актив иштирок
этиб, яшайдан ҳам катта
бахт борми.

Д. СОЛИХҲАЕВА,
меҳнат ветерани.

Мен газетада босилган
«Шаҳримиз гўзалдир, бил-
сангиз...» мақоласини зўр
қизиқиб билан ўқиб чиқдим.
Республикамиз пойтахтининг
ҳар бир аҳолиси Тошкентни
намунали шаҳарга айланти-
риш учун ўз ҳиссасини қў-
шириши керак. Бу борада ша-
ҳримиздаги жуда кўплай ма-
ҳаллаларда ибратли ишлар
амалга оширилмоқда.
Ҳаммамизга маълумки,
бахор ва кўз фаслида шаҳар
аҳолиси билан биргаликда
корхона ва ташкилот меҳна-
ткашлари Тошкентда бўлиб
ўтаётган ободонлаштириш
ва кўркемлаштириш йи-
лликда актив иштирок эти-
шади. Менимча, бу ойлик-
да ҳар доим ҳам олдимизга
қўйган мақсадга эриша ол-
маймиз. Ўтказилган кўч-
ларнинг униб-ўсиши учун
ғамхўрлик қўрсатилмади.
Баъзи ободончилик ишлари

М. КАРИМОВ,
хизматчи.

Шаҳримизнинг ободончи-
лигида унинг ичкаридан
ўтган катта-кичик ариқлар
катта роль ўйнайди. Бу ариқ-
лар ёрдамида жуда кўплай
дарахтлар ва хибонлар су-
ғорилади. Шу муносабат би-
лан мен Кайковус ариғи ҳа-
қида ёзмоқчиман. Бу ариқ
бир қанча маҳаллалардан
ўтади. Қорасарой қўчасидаги
Қўмлоқ бекатидан, Соғбон
қўчасидаги 11-мактаб ёнидан
ва ҳоказо. Аммо Кайковус
ариги бир неча йилдан бери
яхши тозаланмайдиган. Шунинг
учун ҳам ёзда бу ердан оқа-
ётган сувни кўриб таъбини-
ш ҳира бўлади.

Ҳозир қиш палласи. Ҳа-
демай баҳор бошланади. Сув
ҳужалиги бошқармаси раҳ-
барлари ва район ободон-
лаштириш бошқармасидаги
ирригация ишлари билан шу-
ғулланувчилар ариқдаги то-
залаш ишлари билан шуғул-
ланишиб, маҳалла активла-
рининг жалб этиб, ҳашар уюш-
тиришга мақсадга мувофиқ
бўлади. Ахир гўзал шаҳри-
мизда олиб бориладиган ҳар
бир ишга лоқайд қарамасдан
муносиб ҳисса қўшсан республикамиз пойтахти янада
кўркемлашади.

Сўраган эдингиз...

Уй-жой ҳуқуқи

Оқшомхоналар редакциямизга келатган хатларда
уй-жой ҳуқуқи, ундан қандай фойдаланиш ва бу борада
қандай ҳуқуқ ва имтиёзлар борлиги тўғрисида сўралди.
Шу муносабат билан газетхонларнинг айрим саволларига
Тошкент шаҳар Совети икромия комитетининг уй-жойлар-
ни ҳисобга олиш ва тақсимлаш бошқармасининг назорат
бўлими бошлиғи В. ЛИСИН жавоб беради.

Савол: Аслида ишлаётган
корхонаси шаҳарга тегишли
бўлиб, район территориясида
жойлашган бўлса, унда беш
ва ундан ортиқ йил ишлаган,
Тошкентда прописаси бўл-
маган граждандар турар жо-
йи бўйича уй-жой шaroнла-
рини яхшилаш учун уётга
олинадиларми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас.
Уй-жой шaroнтини яхши-
лашга муҳтож бўлган граж-
данлар қондага кўра турар
жойи бўйича район Совети
икромия комитетларида уёт-
га олинадилар. Шунинг учун
ҳам шаҳар корхоналарида
беш ва ундан ортиқ йил иш-
лаган граждандар фақат иш
жойида уётга туришлари
мумкин.

Савол: Агар болалари воя-
га етган, ўз оиласи ва ту-
рар жойи бўлган, «Қаҳра-
мон она» уювонига эга шах-
ларнинг уй-жой афзалликлари
эгаллик ҳуқуқи сақла-
ниб қоладими?

Жавоб: Ҳа, сақланиб қо-
линади. «Қаҳрамон она» ую-
вони бир умрга берилади ва
уй-жой шaroнтини яхшилаш-
га муҳтож бўлган тақдирда
бундай кишилар турар жой
олиш учун уётга қўйиладилар.

Савол: Келин-куёвлардан
бири иккинчи марта турмуш
қураётган бўлса ёш келин-
куёвлар учун биринчи нав-
батда уй-жой билан таъмин-
ланиш ҳуқуқидан фойдала-
надиларми?

Жавоб: Йўқ, фойдаланмай-
дилар. 30 ёшгача бўлган ва
йил бор турмуш қураётган,
турар жойини яхшилашга
муҳтож бўлган ёш келин-
куёвлар биринчи навбатда
уй-жой билан таъминланади-
лар.

Савол: Келин-куёвлардан
бири иккинчи марта турмуш
қураётган бўлса ёш келин-
куёвлар учун биринчи нав-
батда уй-жой билан таъмин-
ланиш ҳуқуқидан фойдала-
надиларми?

Жавоб: Йўқ, фойдаланмай-
дилар. 30 ёшгача бўлган ва
йил бор турмуш қураётган,
турар жойини яхшилашга
муҳтож бўлган ёш келин-
куёвлар биринчи навбатда
уй-жой билан таъминланади-
лар.

Латифалар

ловдан ном-нишон қолмаган
эди. Елғиз афандининг мўйло-
ви ялтирарди. Негаки чироқ
ўчган пайтда афанди чап қў-
ли билан пешонасига тарсил-
латиб уриб қарасиб қалиб, ўнг
қўли билан паловни пок-поки-
за тушириб қўйган эди.

даволашни қўзиш
Бир доктор кўчада кета ту-
риб, юзини ташвиш чўлғанган
ҳамкасига кўзи тушди. Унга
яқинлашиб сўради:
— Нима бўлди, ҳамкасеба,
бирор кўнглингнизо воқеа рўй
бердимки?

У доктор ташвишли оҳангда
деди:
— Ҳа... Ошқозон касаллиги
билан оғриган киши олдимга
келди. Жуда ҳам азоб-чечар-
ди. Мен уни уч кунда тўзат-
дим.
— Азизим, ахир бу кўнгли-
нгнизо воқеа эмас-ку!
— Ҳа, сен ҳексан. Аммо ме-

нинг ташвишлилигининг бош-
си бошқа ерда. Маълум бўли-
шича, мен даволаган одам жу-
да ҳам бой-бадавлат экан. Мен
турли баҳоналар билан даво-
лашни қўзишим мумкин эди-
де...

Янги маршрут очилди

155-маршрутли такси мет-
ронинг Ленин номидаги май-
дон станицасидан Қўйишев
шоссеи бўйлаб, Қўйиқ бозо-
ри орқали 1-теплица ёни-
дан ўтиб, Ўзбекистон ССР
Транспорт министрлигининг
шифохонасига борадиган бўл-
ди. Қайтишда ҳам такси ана
шу маршрут бўйлаб йўл
олади.

«Гавташпассавтотранс»
бошқармасига қарашли 2-
маршрутли такси корхонаси

Наримон ЗУНУНОВ
тайёрлаган.



Ленинград цирки артистларининг гастроллари муваффақиятли давом этапти. Тошкент давлат циркида улар икки бўлимдан иборат катта, ранг-баранг программа намойиш этиляпти. Томошабинлар цирк артистларининг ҳар бир чиқишини қувонч билан кутиб олинапти. Уларда артистларнинг ижодий изланганликлари, маҳоратлари аққол кўришиб турибди.

Тошкентлик томошабинлар диққат-эътиборини ўзига жалб этаётган бу гастролларнинг катта муваффақият қозонаётганини сирини ҳам ана шунда.

Сиз ушбу суратларда Ленинград цирки артистларининг ранг-баранг чиқишларини кўриб турибсиз. Албатта, бу катта ва қизиқарли программанинг айрим ҳафталари, ҳолис.

Е. Ботиров фотолари.

КЛУБ ИШ БОШЛАДИ

«Олмасор» кафеда «Атеист» клубининг йилги бўлиди. У совет турмуш тарзи, замонавий маросимлар ва анъаналарга бағишланган. Унда ёшларни ишчи синфига қабул қилиш, меҳнат ветеранларини ҳурматлаш маросими бўлади. Ҳар томонлама пухта тайёрларлик кўрилган бу кечада ишлаб чиқариш корхоналари меҳнат қилишга келган ёшлар ва уларнинг мураббийлари, таржimai ҳоли Ватанига хизмат қилиш билан чамбарчас боғланган меҳнат ветеранлари қатнашадилар.

Ҳар ойда ўз машғулоти ўтказиб турадиган «Атеист» клуби тадбирлари тингловчиларга манзур бўлмоқда. Ундаги машғулотлар «Техника тараққиёти ва дин», «Хотин-қизлар ва дин», «Маданият ва дин» мавзуларини қамраб олади. Бу мавзулар бўйича ёшларни атеистик руҳда тарбиялашда санъатнинг бебаҳо роли, меҳнат ва оила ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гапирилади. Шундай қилиб шахримизда бундай клублар сони кўпайиб бормоқда. Улар ишчиларни коммунистик руҳда тарбиялашда қўлай восита бўлиб қолади.

Одил Шарипович ШОКИРОВ

Ўзбекистон медицина жамоатчилиги оғир жудодикла учради. Коммунист, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Одил Шарипович Шокиров вафот этди.

У 1908 йили Тошкент шахрида ҳунарманд оиласида туғилди. 1935 йилда Ўрта Осиё медицина институтини тугатганидан сўнг Самарқанд областида ишлади, бу ерда у безгак ва юқумли касалликларни тугатиш ишига кўп куч-ғайрат сарфлади. 1939—1941 йилларда у Тошкентдаги Ўзбекистон травматология, ортопедия ва суяк силлирий тадқиқот институтида ординатор бўлиб ишлади.

Улғу Ватан уруши қатнашчиси О. Ш. Шокиров умрининг охиригача Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида ишлади. Бу ерда у кичик илмий ходимликдан институт директоригача бўлган йўлни босиб ўтди.

Профессор О. Ш. Шокиров томонидан халқ воситаси мўъжизаси ўрганиш ва уни медицина практикасида қўллаш бағишланган қатор илмий ишлар ёзилган. У ёш мутахассисларни тарбиялашга кўп куч ва ғайрат сарфлар, ўз ихтисослигига меҳр қиссини тарбиялар, уларни қўллаб-қувватлар ва камолотга етишларида ёрдамлар эди. Ватан олдидаги катта хизматлари учун у юксак ҳукумат мукофотлари: иккита «Қизил юлдуз» ордени, II даражали Ватан уруши ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари билан мукофотланган, эди.

О. Ш. Шокировни билган ва у билан ишлаганларнинг ҳаммаси саҳоватли дўст, салимий ва меҳрибон инсон хотирасига содиқ қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/ХII да Рюгелетто, 10/ХII да Кўёшга таъзим қил.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/ХII да Сўнгги қабул, 10/ХII да Отелло.

МУҚИМЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/ХII да Муқимий комедиялардан сахналар, 10/ХII да Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Ғафуровнинг ижодий кечаси.

КИНО

8 ДЕКАБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«УДДАБУРОН» — Санъат саройи (17, 20.00; телефонлар: 44-21-44, 44-21-34).
«ЭСКИ РУҲДАГИ ҲАЗИЛ» — Чайна (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да; телефон 77-06-20), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).
«БУ ПАРИЖДА БУЛГАН ЭДИ» — Лисунов номли (17, 20.00).
«ТҮЙ АЙБЛАНАДИ» — Нукус (17, 19, 20.40; телефон 46-70-69), Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да), Тинчлик (тоқ соатларда).
«МЕРСЕДЕСДАГИ КИШИНИНГ ХУЖАТЛАРИ» — Вос-ток (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 91-14-61), Тошкент Советининг 50 йиллиги (16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25).
«УПИРИЛИШ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).
«ЧИЧЕРИН» — Искра (17.15, 20.00; телефон 39-14-59).
«АЛАНГА ИЧРА» — Санъат саройи (кичик зал, 17.30, 20.30).
«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда).
«СОМОН ЙУЛИДАГИ УЧРАШУВ» — Дружба (тоқ соатларда, телефон 67-96-87).
«ЎЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУ-МОРИМ!» — Дружба (жуфт соатларда).

9 ДЕКАБРДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«УДДАБУРОН» — Санъат саройи (11, 14, 17, 20.00; телефонлар: 44-21-44, 44-21-34).
«ЭСКИ РУҲДАГИ ҲАЗИЛ» — Чайна (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да; телефон 77-06-20), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).
«БУ ПАРИЖДА БУЛГАН ЭДИ» — Лисунов номли (17, 14, 17, 20.00).
«ТҮЙ АЙБЛАНАДИ» — Нукус (11, 13, 15, 17, 19, 20.40; телефон 46-70-69), Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да), Тинчлик (тоқ соатларда).
«МЕРСЕДЕСДАГИ КИШИНИНГ ХУЖАТЛАРИ» — Вос-ток (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 91-14-61), Тошкент Советининг 50 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 78-47-25).
«УПИРИЛИШ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).
«ЧИЧЕРИН» — Искра (12, 14.30, 17.15, 20.00; телефон 39-14-59).
«АЛАНГА ИЧРА» — Санъат саройи (кичик зал, 12, 14.30, 17.30, 20.30).
«ТОМДАГИ РАҚСЛАР» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда).
«СОМОН ЙУЛИДАГИ УЧРАШУВ» — Дружба (тоқ соатларда, телефон 67-96-87).
«ЎЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУ-МОРИМ!» — Дружба (жуфт соатларда).

АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАНТИРИШ
БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ
Ўзбекистон ССР
Миниотажспецстрой
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ»
ТРЕСТИНИНГ
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ
МОНТАЖ
БОШҚАРМАСИГА
1, 2, 3-класс шоферлари,
автокранчи, двигателлар ре-
монти бўйича автослесарь,
участка бошқаруви, про-
раблар ва иқтисодчи.
Справкалар ва ишга йўл-
ланмалар олиш учун қў-
йидаги адресга мурожаат
қилинсин: Тошкент шаҳри,
Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-
подъезд, 5-хона.
«Главташкентстрой»га
қарашли транспорт
ишлаб чиқариш
бошқармасининг
9-АВТОТРАНСПОРТ
КОРХОНАСИ
3 класс ҳайдовчиларининг
(«С» категориясида ўқитиш
билан) тайёрлайдиган курс-
ларга
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ўқитиш муддати — ишлаб
чиқаришдан ажралмаган ҳол-
да 5,5 ой.
Ҳар ойда 45 сўм миқдори-
да стипендия тўланади.
Курсга Совет Армияси са-
фида хизматни ўтаб қайтган-
лар қабул қилинади.
Битирувчилар 2 йил иш-
лаб беришлари шарт.
Елғизлар ётоқхона билан
таъминланадилар. 9-АТП
қошида богча-ясли бор.
Мурожаат учун адрес:
Тошкент области, Наримово
шаҳри, Лихачев кўчаси, 2-уй.
(183, 171-автотрансларнинг
«9-автобаза» бекати, 68, 15, 23,
81, 45-автотрансларнинг «Қўй-
лиқ» бекати).

реклама эълонлар реклама

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ
МАКТАБ ўқувчиларининг қишқи каникул
КУНЛАРИДА
ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК
ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ЦИРКДА АРЧА»

КАТТА ЭРТАК ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ
Томошалар 24, 25, 26 декабрда соат 12, 14.45, 19.30
да; 27, 28, 29, 30 декабрда соат 10, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да; 31 декабрда соат 10, 12.30, 14.45, 17.00 да;
1—11 январь кунлари соат 10.30, 12.30, 14.45, 17, 19.30 да бошланади.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.
Коллектив заявклар қабул қилинмоқда.
Қишлоқ жойларидан келган томошабинларга навбатдан
ташқари хизмат кўрсатилади.
Касса ҳар кун соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўзбекистон ССР

Хунар-техника таълими
давлат комитети
Тошкент шаҳар
Хунар-
техника таълими бошқарма-
сининг

Янги ташкил этилган
56-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА
БИЛИМ ЮРТИ
қўйидаги ихтисосликлар
бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқувчилар қабул қилади

Марказий

универсал магазини

Қишқи ранг-баранг кийимлар ва
поябзаллар қўйилган савдо залларига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Лаззат»

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги

ичимлиги